



History of the development of criminal liability for illegal employment of written property in Uzbekistan

Kamolkhon ESHONKHONOV¹

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received March 2024
Received in revised form
15 April 2024
Accepted 25 April 2023
Available online
25 May 2024

Keywords:

Constitution,
criminal law,
ex-union period,
pledge,
property,
Sharia norms,
responsibility,
foreign experience,
rights and freedoms.

ABSTRACT

This article analyzes the history of the development of criminal liability for the illegal disposal of confiscated property in Uzbekistan. The most important thing was the introduction of new laws and regulations during the occupation of Tsarist Russia. This article analyzes the opinions of scientists along with national and foreign legislation.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss4/S-pp36-46>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ўзбекистонда хатланган мулкни қонунга хилоф тасарруф этганлик учун жиноий жавобгарликнинг ривожланиш тарихи

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Конституция,
жиноят қонуни,
собиқ иттифоқ даври,
гаров,
мол-мулк,
шариат қоидалари,
жавобгарлик,
хорижий тажриба,
ҳуқуқ ва эркинликлар.

Мазкур мақолада Ўзбекистонда хатланган мулкни қонунга хилоф тасарруф этганлик учун жиноий жавобгарликнинг ривожланиш тарихи таҳлил қилинган. Энг муҳими чор Россияси истилоси даврида янги қонун қоидалар кириб келиши, ўша даврда мусулмон ҳуқуқи бўйича ушбу масалаларига урғу бериб ўтилган. Ушбу мақолада миллий ва хорижий қонунчилик билан бирга, олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинган.

¹ Independent applicant, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan Head of the Kokand City Department of the Enforcement Bureau.

История развития уголовной ответственности за незаконное использование письменной собственности в Узбекистане

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Конституция,
уголовное право,
экссюэзный период,
зalog,
имущество,
нормы шариата,
ответственность,
зарубежный опыт,
права и свободы.

В данной статье проводится анализ истории развития уголовной ответственности за незаконное распоряжение конфискованным имуществом в Узбекистане. Основное внимание уделяется введению новых законов и постановлений в период оккупации Царской России. Авторы статьи анализируют мнения ученых, а также изучают национальное и зарубежное законодательство по данному вопросу.

Хатланган мулкни қонунга хилоф тасарруф қилиш жинояти учун жавобгарлик мамлакатимиз қонунчилигини тарихий даврлар нуқтаи назаридан таҳлил қилганда нисбатан янги нормалардан ҳисобланади, дейиш мумкин.

Мамлакатимиз қонунчилиги тарихи таҳлил қилинган аксарият ишларда исломгача бўлган давр, ислом ҳуқуқи амал қилган давр, Чор Россияси ва ундан кейин совет иттифоқи таркибида бўлган давр ҳамда мустақилликдан кейинги даврга бўлиб ўрганиш кенг тарқалган.

Х. Каримов фикрича, “Ўзбекистон ҳудудида жиноятларни таснифлашга оид қоидаларни шартли равишда беш босқичга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи босқич зороастризм даврининг асосий ҳуқуқий манбаси бўлган “Авесто” да жиноятларни таснифлашга оид қоидалар. Иккинчи босқич Ислom дини кириб келиб шариат нормалари амал қилган даврда жиноятларни таснифлаш. Учинчи босқич Чор Россияси даврида жиноятларни таснифлашга оид қоидалар. Тўртинчи босқич Собиқ Иттифоқ даврида жиноятларни таснифлаш. Бешинчи босқич мустақил Ўзбекистоннинг Жиноят кодексига жиноятларни таснифлашга оид қоидалар”.

Биз гарчи Чор Россияси истилоси даврида янги қонун қоидалар кириб келган бўлса-да, аммо маҳаллий аҳоли учун одатда шариат қонун-қоидалари бўйича ишлар кўрилганлиги учун ҳам ушбу даврни ҳам Ислom ҳуқуқи амал қилган давр деб ҳисоблаб, ўрганилаётган мавзу бўйича қонунчилик ривожланиши тарихини тўртта даврга бўлиб асослашга ҳаракат қиламиз.

Биринчи босқич Ислomгача бўлган давр. Бу даврда ҳозиргидек, қатъий нормалаштирилган қонун қоидалар мавжуд бўлмаган. Ушбу даврнинг ҳуқуқий манбаси сифатида зардуштийликнинг “Авесто” китобини келтириш мумкин.

Давлат ва ҳуқуқ тарихини тадқиқ қилган олим З.Муқимов фикрича, “деярли уч минг йиллик тарихга эга бўлган, икки миллион шеърый мисрадан иборат “Авесто” да худолар ва маъбудлар ҳақидаги афсона ва ривоятларни, диний гимн ва ақидаларни ўз ичига олган Зардуштийлик диний қарашлари билан ҳуқуқий онг ва қарашлар чамбарчас боғлиқдир. Зеро, иккаласининг ҳам манбаи бир, яъни “Авесто” дир. Бу диннинг ғояси шундан иборатки, табиат ва жамиятда икки асосий куч – яхшилик ва ёмонлик ўртасида кураш боради. Яхшилик худоси Ахурамазда осмонда, ёмонлик худоси Ахриман ерда, одамлар орасида яшайди. Ер ҳамма вақт ана шу кучлар ўртасидаги кураш майдони бўлиб келган”.

Ҳ. Бобоев ҳам, мамлакатимиз ҳудудида ҳуқуқий қарашлар шаклланишида “Авесто”нинг ўрни катта эканлигини қайд этган. Унинг фикрича, Ислом динига қадар мамлакатимиз ҳудудида “Авесто”дан ҳуқуқ манбаси сифатида фойдаланилган, жумладан жиноят ва жазо масаласида ҳам шу манбага таянилганлигини кўрсатган.

Албатта “Авесто”да хатланган мулк ҳақида, уни ноқонуний тасарруф қилганлик ҳақида ҳозирги давр қарашларига мос келадиган ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлмаган. Шу билан биргаликда, ушбу манбада, маълум бир қилмишлар учун жазолар назарда тутилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, У. Азизов зардуштийлик даврида жиноятларни қуйидагича таснифлашни таклиф қилади: “1) динга қарши жиноятлар; 2) давлат ҳокимияти ва ҳукмдор манфаатларига қарши жиноятлар; 3) шахсга қарши жиноятлар: а) ҳаёт ва соғлиққа қарши жиноятлар, б) инсоннинг шаъни ва қадр-қимматига, шахсий эркинлик ва дахлсизлигига қарши жиноятлар; 4) ҳайвонот дунёсига ва атроф-муҳитга қарши жиноятлар; 5) шахсий мулкка қарши жиноятлар”. Фикримизча, бу даврда омонатга хиёнат қилиш шахсий мулкка қарши жиноятлар сифатида баҳоланган. Шу билан биргаликда, ҳукмдорнинг қарорини бажармасликда (масалан, қарзни тўлаш, етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги топшириқни бажармаганлик) ифодаланган қилмишларни ҳам, биз кўриб тадқиқ қилаётган мавзуга оид илк жавобгарлик чоралари сифатида баҳолаш мумкин.

Бундан ташқари “Авесто”ни тадқиқ қилган бир қанча олимлар ҳам ўша даврдаги жиноятларга оид қарашларни бир қанча турларга бўлиб кўрсатишган, бунда улар албатта динга қарши, ҳокимиятга қарши, шахсга қарши, мулкка қарши, ахлоққа қарши, табиатга қарши жиноятларга бўлинишини кўрсатишган.

“Авесто”да қасам ичиш билан боғлиқ масалаларнинг тартибга солинишини бевосита хатланган мулкни қонунга хилоф тасарруф қилиш учун жавобгарлик масалаларига боғлаш мумкин. Бунда қонун яратувчилар ва қоҳинлар берилган сўзнинг муқаддаслигига жиддий эътибор қаратишган. Сўз “аша” ҳақиқатнинг ҳаётини ифодаси сифатида ҳурматга сазовор. Бунда икки хил мажбурият олинган. Биринчидан, тантанали равишда қасам ичиш (варуна), бунда бирор бир шахс бирорта ҳаракатни содир этиш ёки этмаслик мажбуриятини олган. Иккинчидан, бу битим ёки шартнома ҳисобланиб, митра деб аталган. Иккала ҳолда ҳам, қабул қилинган қасамда яширинча куч бўлиб бу куч илоҳий ҳисобланган. Берилган сўз, олинган мажбурият, унинг қатъий туриб бажарилиши қаттиқ қадрланган. ... Қасам ичиб, аҳд қилган киши ўз аҳдини бажармаган ёки уни бузган ҳолда ҳақлигини исботлаш учун ордалия (оловдан ўтиш) ўтказиб синалган. Бунда шахс, олов ёқилган тор йўлакдан югуриб ўтса ва тирик қолса, у айбсиз ёки ёки авф этилган деб ҳисобланган.

Фикримизча, ушбу даврда қилмишлар учун жавобгарлик аниқ мезонларга асосланмаган бўлса-да, аммо омонатга хиёнат қилиш, ўзига ишониб топширилган мулкни ишлатиб юбориш, яшириш ёки қасддан нобуд қилиш каби ҳолатлар мулкка қарши жиноятлар сифатида; ҳукмдорнинг, қоҳинларнинг қарори ижросини таъминламаганликда ифодаланган зарарни қоплаб беришдан бош тортиш каби қилмишлар эса ҳокимиятга қарши жиноятлар сифатида баҳоланган.

Ислом ҳуқуқи амал қилган давр. Мамлакатимиз ҳудудларида ислом ҳуқуқи сифатида шариат нормаларининг амал қилиши бошланиши билан, бошқа соҳаларда бўлгани каби, жиноят ва жазо масаласида ҳам тартибга солинган қарашлар шакллана бошлаган.

Шариат нормаларида жиноят ва жазо масалаларини тадқиқ қилган М. Ражабова фикрича, шариат нормаларида жиноятлар тушунчаси билан бирга, уларнинг қандай турларга бўлиниши, қанақа жазо назарда тутилганлиги каби масалалар батафсил акс эттирилган.

Ж. Тошқулов ҳам, Ислом жиноят ҳуқуқи масалаларини тадқиқ қилиб, жиноятлар уч турга бўлинганлиги, яъни ҳад туридаги жиноятлар (Қуръони Карим ва Суннатда аниқ жазо чоралари назарда тутилган), қасос ёки дият туридаги жиноятлар (яшаш ҳуқуқи ва соғлиққа қарши жиноятлар), таъзир туридаги жиноятлар (аниқ жазо белгиланмаган, уни белгилаш ҳуқуқи ҳукмдор ёки қозига берилган)га бўлинишини кўрсатган. Бунда шартномалар бўйича мажбуриятларни бажармаслик жиноятлари таъзир туридаги жиноятларга киритилган.

Ислом ҳуқуқининг (фикҳ) таркибий тузилиши тахминан уч қисмга бўлиниши ҳақидаги қарашлар мавжуд бўлиб, бунда биринчидан, ибодатга тааллуқли масалалар, иккинчидан, муомалат масалалари, яъни инсонлар ўртасидаги, давлат ҳокимиятининг фуқаролар билан муносабати, бошқа динлар, давлатлар билан ўзаро алоқалар масалалари, учинчидан жазолаш ёки уқубат, азоб, яъни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жазолаш масалаларига бўлиниши таъкидланади.

Бу ерда шартномалар бўйича мажбуриятларни бажармаслик омонатга хиёнат қилиш, ишониб топширилган мол-мулкни ўзиники қилиб олиш, ўзгаларга сотиб юбориш, нобуд қилиш, шикаст етказиш каби қилмишларни ҳам қамраб олган. Ўз навбатида бундай қилмишлар хатланган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф қилиш учун жавобгарликнинг илк кўринишларидан деб ҳисоблаш мумкин. Бунда жавобгарлик қилмишнинг оғирлик даражасига ҳамда жабрланувчининг даъвосига қараб, ҳукмдор ёки қози томонидан белгиланган.

Мамлакатимиз ҳудудларида Ислом ҳуқуқи XX асрнинг 20-йиллари ўрталарига қадар амалда бўлганлиги учун миллий давлатчилик ҳуқуқий тарихининг негизи сифатида беқиёс аҳамиятга эга.

Собиқ совет иттифоқи таркибида бўлган вақт. 20-асрнинг иккинчи ўн йиллигида Россия империясида содир бўлган давлат тўнтариши натижасида, ушбу империя таркибида бўлган мамлакатимиз ҳудудида мавжуд давлатчиликда ҳам, ҳуқуқий нормалар ривожланишида ҳам янги босқич бошланганди. Бу даврда ҳуқуқ нормаларини тегишли соҳаларга қараб кодекслаштириш бошланганлигини қайд этиш лозим.

Ўша вақтда Хоразм ва Бухорода алоҳида совет республикалари мавжуд бўлганлиги, Тожикистон АССР ҳам мамлакатимиз таркибида бўлганлигини таъкидлаш лозим.

1926 йилга қадар мамлакатимизда 1922 йилда қабул қилинган РСФСР Жиноят кодекси амал қилган. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Марказий Ижроия Қўмитасининг 1926 йил 16 июндаги қарорига мувофиқ, 1926 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Тожикистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Жиноят кодекси амал қилиши белгиланди. Шу қарор билан, 1922 йилда қабул қилинган РСФСР Жиноят кодекси ҳамда Бухоро ССР ҳамда Хоразм ССР Жиноят кодекслари амал қилиши тўхтатилди.

Шу вақтдан бошлаб, мамлакатимизда жиноят қонунчилиги кодекслаштирилган ҳолда амал қилиб келишни бошлади. Ушбу кодекснинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг нормалари (моддалари) номланмаганида эди. Ушбу кодекснинг 112-моддасида маълум бир предметлар, омборлар ёки биноларни қўриқлаш учун ҳокимият идоралари томонидан ўрнатилган печать ёки бошқа белгиларни олиб ташлаганлик ёки шикаст етказганлик учун бир ойдан кам бўлмаган муддатга мажбурий ишлар ёки 100 рубль жарима жазоси белгиланган эди.

Ушбу кодекснинг 116-моддасида эса мансабдор шахслар томонидан ўз қарамоғида бўлган ўзга шахсларнинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганлик учун 1 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ва эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш жазоси назарда тутилган эди.

Худди шу ҳаракатлар алоҳида ваколатларга эга мансабдор шахслар томонидан содир этилса ёки давлат аҳамиятига молик ўта муҳим қимматликлар ўзлаштирилган бўлса, 3 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки олий жазога ҳукм қилиниши назарда тутилган.

Кўриниб турибдики, ушбу даврда хатланган мулкни қонунга хилоф тасарруф қилганлик учун алоҳида жавобгарлик бўлмаган, аммо ўзлаштириш, растрата йўли билан талон-торож қилганлик ҳамда мулкка шикаст етказганлик учун назарда тутилган нормалар билан жавобгарлик қўлланилган. Ушбу даврдаги қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, бу давлат ва шахсий мулкка нисбатан тажовузлар учун алоҳида жавобгарликнинг қўлланилиши эди. Яъни давлат мулкни талон-торож қилганлик учун оғирроқ жазо, худда шундай қилмиш шахсий мулкка нисбатан бўлса, нисбатан енгилроқ жазо назарда тутилган эди. Бундан ташқари, маълум бир қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилган моддаларда жиноят учун жазо чораларининг минимал муддатлари кўрсатилиб, максимал муддатлари белгиланмаган эди.

Ушбу кодексга 1929 йил 1 июлдан жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, 148-моддада белгиланган ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилиб, шахсни жамиятдан қаттиқ изоляция қилган ҳолда 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ва лавозимидан озод қилиш жазоси назарда тутилган эди. 232-моддада айнан шундай қилмишни шахсий мулкка нисбатан содир қилганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, бунда бир йил муддатгача мажбурий ишларга жалб қилиш жазоси назарда тутилган эди.

Кодекснинг 245-моддасида ташкилот, муассаса ёки бошқа шахсга тегишли мулкка қасддан шикаст етказганлик ёки нобуд қилганлик учун бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга мажбурий ишлар ёхуд беш юз рублгача жарима жазоси назарда тутилган эди.

Ҳуқуқ тизимида бўлган умумий ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда, жиноят қонунчилиги ҳам ўзгариб борди. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг 1959 йил 21 майдаги қарори билан Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси тасдиқланди ва 1960 йил 1 январдан кучга кириши белгиланди.

Ушбу кодексда 1926 йилги кодексдан фарқли равишда моддалар номланди, умумий ва махсус қисмларга бўлинди, янги нормалар киритилди, тузилиши жиҳатидан замонавий жиноят қонунчилигига анча яқин келди.

Жумладан, 117-моддада маълум мақсадлар учун ишониб топширилган давлат ёки жамоат мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилганлик учун тўрт йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш, шундай ҳаракатлар такроран ёки ташкилий группа томонидан содир қилинса мол-мулкни мусодара қилиб ёки қилмасдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш, ўша ҳаракатлар кўп миқдорда мулк ўзлаштирилиши ёки растрата қилинишига сабаб бўлса ёхуд алоҳида хавфли рецидивист томонидан содир этилса, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилди.

Кодекснинг 118-моддасида эса хизмат мансабидан фойдаланиш орқали давлат ёки жамоат мулкни қасддан қонунсиз равишда ўз мулкига қаратиб олиш ёки бошқа шахсларга берганлик учун беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш, бундай ҳаракатлар кўп миқдордаги мулкка зарар келтирса, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган эди.

Кодекснинг 130-моддасида фуқароларнинг маълум мақсадда ишониб топшириб қўйган мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилганлик учун 1 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган эди.

Шу билан биргаликда, ушбу кодексда биринчи марта хатланган мулкни растрата қилиш ёки яшириш учун 165-моддада жавобгарлик белгиланди. Ушбу моддага мувофиқ, хатланган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахслар томонидан растрата қилиш ёки яшириш – бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш иши билан жазоланиши белгиланди.

Ушбу жиноят одил судловга қарши жиноятлар бобида акс эттирилди. Бунда биринчи марта судлов фаолияти билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиққан ҳолда хатланган мол-мулкни растрата қилганлик ёки яширганлик учун жавобгарлик назарда тутилди. Ушбу жиноят мазмунан давлат ёки жамоат мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш, шахсий мулкни ўзлаштириш каби жиноятларга ўхшаб кетса-да, айнан судлов муносабатларидан келиб чиқиб, тегишли тартибда хатланганлик уни кўрсатиб ўтилган жиноятлардан фарқловчи асосий мезон эди.

1962 йилда ЎзССР Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ўз навбатида биз тадқиқ қилаётган модда номида ҳам ўзгартириш бўлди. 165-модда рўйхат қилинган мулкни растрата қилиш ёки яшириш деб номланиб, рўйхат (опись) қилинган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахслар томонидан растрата қилиш ёки яшириш учун 1 йил муддатгача озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш иши билан жазолаш назарда тутилди.

ЎзССР ЖК 165-модданинг 1959 йилдаги матнида хатланган мулк ҳақида сўз юритилган бўлса, 1962 йилда киритилган ўзгаришга кўра, рўйхат (опись) қилинган мулк ҳақида сўз юритилган.

Бу ерда хатланган сўзининг рўйхатга олинган сўзи билан алмаштирилиши сабаби, процессуал қонунчиликда рўйхатга олиш (опись) атамаси қўлланилганлигидан келиб чиққан. Аслида ўзи мулк хатланганда, хатланган мулклар рўйхати тузилади. Агар бундай мулклар кўп бўлса, хатлаш баённомасига рўйхат илова қилинади. Амалдаги ЖКнинг ўзбек ва рус тилидаги матнини таққослаш орқали бунини аниқлаш мумкин. Жумладан, ЖКнинг 92-моддасининг

биринчи қисмига мувофиқ, “**Мол-мулк хатланганлиги** тўғрисидаги баённоманинг нусхаси мол-мулки **рўйхатга олинган** шахсга ёки унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда, мол-мулк рўйхатга олинган ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб тилхат олинади”. Худди шу модданинг рус тилидаги матни эса қуйидаги таҳрирда баён этилган “Копия протокола **о наложении ареста на имущество** вручается под роспись лицу, у которого была произведена **опись имущества**, либо одному из совершеннолетних членов его семьи, а при их отсутствии – представителю органа самоуправления граждан, на территории которого была произведена опись имущества”.

Демак, мол-мулкни хатлаш, уни ўз-ўзидан рўйхатга олиш (опись)ни ҳам қамраб оладиган тушунча ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам, рўйхатга олиш эмас, балки хатлаш мазмунан тўғри ҳисобланади.

1994 йил 22 сентябрда мустақил Ўзбекистоннинг Жиноят кодекси қабул қилинди. Ушбу кодекснинг одил судловга қарши жиноятлар боби 233-моддасида банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этганлик учун жавобгарлик белгиланиб, ушбу модда қисмларга бўлинмаган эди. Унга мувофиқ, “Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш, яъни банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади” деган таҳрирда баён қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги 832-І-сон Қонунига асосан ЖКнинг 233-моддаси “Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” деган таҳрирдаги иккинчи қисм билан тўлдирилди.

ЖК 233-моддасида беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилганлиги сабабли, етказилган зарарларни ундириш самарадорлигини ошириш учун шундай қўшимча киритилди.

2001 йил 29 августда ЖК 233-моддаси биринчи қисми санкцияси ўзгартирилиб, қуйидаги таҳрирда баён этилди “энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”. Яъни, мол-мулкни мусодара қилиш жазоси жазолар тизимидан чиқариб ташлангани боис, ЖК 233-моддасидан ҳам мол-мулкни мусодара қилиш сўзлари чиқариб ташланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январдаги ЖКга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, ЖК 233-моддаси биринчи қисми диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилди: “Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш, яъни банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, худди шунингдек банк ёки бошқа кредит ташкилоти

ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш”. Бу ўзгаришга мувофиқ, банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф қилиш жиноятининг объектив белгилари кенгайтирилди. Эндиликда, банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш ҳам банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш деб топиладиган бўлди.

2015 йил 10 августда ЎРҚ–389-сон Қонун билан озодликни чеклаш жазоси қонунчилиikka киритилиши муносабати билан ЖК 233-моддаси биринчи қисми санкциясига икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш жазоси ушбу моддада мавжуд жазоларга муқобил жазо сифатида қўшилди, шунингдек иккинчи қисмдаги етказилган зарар уч карра миқдорда қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмайди, деган матнга “озодликни чеклаш ва” деган сўзлар қўшилди. Яъни, етказилган зарарни кўрсатилган суммада қоплаш нафақат озодликдан маҳрум қилиш, балки озодликни чеклаш жазосини ҳам қўлланишини истисно қиладиган бўлди.

2019 йил 3 декабрда қонунчилиikka киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, энг кам ойлик иш ҳақи ўрнига базавий ҳисоблаш миқдори қўлланилиши муносабати билан, ЖК 233-моддаси биринчи қисми санкциясига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Юқоридаги таҳлиллар, Исломгача бўлган ва Ислом ҳуқуқи амал қилган даврда тадқиқот объекти бўлган қилмиш учун алоҳида жиноий жавобгарлик назарда тутилмаганлиги, шунга ўхшаш қилмишлар омонатга хиёнат, ваъдасида турмаганлик, мулкый жиноятлар сифатида баҳоланганлигини кўрсатди.

Жиноят қонунчилиги илк маротаба кодекслаштирилган 1926 йилги ЖКда хатланган мулкни қонунга хилоф тасарруф қилиш алоҳида жиноят ҳисобланмаганлиги, бундай қилмишлар давлат ёки жамоат мулкига нисбатан ёхуд шахсий мулкка нисбатан талон-торож қилиш, зарар етказиш сифатида баҳоланганини кўрсатди.

Хатланган мулкни қонунга хилоф тасарруф қилиш учун илк маротаба 1959 йилда қабул қилиниб, 1960 йил 1 январдан кучга кирган ЎзССР ЖК 165-моддасида жавобгарлик назарда тутилди.

1994 йилда қабул қилинган мустақил Ўзбекистоннинг ЖК хатланган мол-мулкни қонунга зид равишда тасарруф қилганлик учун жавобгарлик ҳисобланадиган қилмишлар доирасини кенгайтирди, жавобгарликни келиб чиқиш шартларини аниқлаштирди. Жумладан, бундай қилмишлар жиноят ҳисобланиши учун анча миқдорда зарар етказилиши шarti мустаҳкамланди. Кейинчалик, тадбиркорлик фаолияти ривожланиб бориши муносабати билан банкларда амалга ошириладиган банк операциялари ҳажми ва кўлами ошиб бориши банк ҳисоб-варақларидаги маблағларни ҳам хатлашни тақозо қилди. Ўз навбатида хатланган ҳисоб-варақларда мулкни қонунга хилоф тасарруф қилганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик келиб чиқиши ЖК 233-моддасида акс эттирилди.

Албатта, мазкур масалада қонунчилик ривожланиб бораётган бўлса-да, аммо бир қанча муаммоли, ўз ечимини топмаган, амалиётда ўзини оқламаган ҳолатлар ҳам мавжудлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

Биринчидан, ЖК 233-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, жиноий жавобгарлик келиб чиқади. Агар етказилган зарар юқорида кўрсатилган миқдорни ташкил қилмаса нима бўлади? ЖПК 294-моддаси иккинчи қисмида хатланган мол-мулк мулкдорга ёки мол-мулк эгасига, унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига ёки бошқа шахсга сақлаб туриш учун қолдирилиб, унга ушбу мол-мулкнинг тўла-тўқис сақланиши учун қонунда назарда тутилган жавобгарлик тушунтирилиши ва бу ҳақда ундан тилхат олинishi белгиланган. Шунингдек, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 53-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, қарздорнинг хатланган мол-мулкни тасарруф қилиш юзасидан давлат ижрочисининг таққини бузиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқининг чекланганлигига риоя қилмаслик қонунчиликда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган.

Аммо, бундай қилмишлар учун етказилган зарар анча миқдорни ташкил қилмаса жиноий жавобгарлик келиб чиқмайди, шунингдек бу қилмиш учун маъмурий жавобгарлик ҳам назарда тутилмаган.

Иккинчидан, ЖК 233-моддасида эътибор қаратиш лозим бўлган ҳолатлардан яна бир шундаки, қилмиш жиноят ҳисобланиши учун анча миқдордаги зарар етказилиши ҳақидаги талаб фақат банд солинган ёки гаровга қўйилган мулк ишониб топширилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда тасарруф қилинганида қўлланилади. Банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга оширишда эса бундай талаб мавжуд эмас. Яъни, бирор-бир корхона раҳбари ёки моддий жавобгар шахсга банд солинган мулк, масалан автомашина вақтинча сақлаш учун топширилган бўлса-ю, бу мулк ишониб топширилган мулкни қонунга хилоф эканлигини била туриб сотиб юборса ва бу зарар анча миқдорни ташкил қилса (бугунги кун ҳолати бўйича зарар 33 миллион сўмдан кам бўлмаса) жиноий жавобгарлик келиб чиқади. Банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан ушбу банк ёки кредит ташкилотида мавжуд ҳисоб рақами бўйича банд солинган пул маблағлари бўйича банк операцияларини амалга ошириши, етказилган зарар миқдоридан қатъий назар жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради, яъни ушбу ҳолатда анча миқдорда зарар етказиш шарт мавжуд эмас.

Учинчидан, ЖК 233-моддасининг иккинчи қисмида етказилган зарар уч карра миқдорда қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаслиги ҳақидаги талаб амалиётда самара бермаяпти. Бундай талаб киритилган вақтда бу моддада мол-мулкни мусодара қилиб, 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган эди ва шу даврда етказилган зарарни уч карра миқдорда қоплаш ҳақидаги талаб ўринли эди. Аммо, ҳозирги вақтда мол-мулкни мусодара қилиш жазоси мавжуд эмас, озодликни чеклаш жазосининг киритилганлиги, амалиётда кўпроқ ушбу жазо тури қўлланилишига сабаб бўлмоқда. Суд амалиёти таҳлили ҳам, мазкур жиноят учун етказилган зарарни уч карра миқдорда қоплаш бўйича прецедент бўлганини кўрсатмади. Ҳақиқатда ҳам шахс, 100 млн. сўмлик зарар етказган бўлса ва ушбу

зарарни 300 млн. сўм қилиб қайтариш эвазига озодликни чеклаш жазоси қўлланилмаслиги (бу жиноят учун камдан кам ҳолларда озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган) бу рағбатлантириш чорасининг амалда самарасиз қилиб қўймоқда. Бунинг ўрнига етказилган зарар қопланган тақдирда озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаслиги белгиланса, зарарни қоплаш учун мотивациянинг кучлироқ бўлишига сабаб бўлар эди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Х.Каримов Ўзбекистонда жиноятларни таснифлашга оид қоидаларни шаклланишининг тархий-ҳуқуқий асослари // Ж. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. Special Issue – 02 (2022) / ISSN 2181-1415. 458-б.
2. З.Муқимов 22-23-б. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: “Адолат”, 2003. 22-23 б.
3. Ҳ.Бобоев Ўзбек давлатчилиги тарихи. 1 китоб. Тошкент // Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. 2004 й. 64-б.
4. У.А.Азизов Эволюция институтов преступления и наказания на территории исторического и современного Таджикистана: историко-правовое исследование// Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук/ 2015 й. 66-б.
5. Талезари Али Аббас. Становление и развитие институты преступления и наказания в истории права Ирана: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Душанбе, 2014. – С. 11.; А.Г. Халиков Правовая система зороастризма // Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук / 2004 й. 293-б.; М.Т.Тургунов «Авесто»да инсон ҳуқуқларини ўрганишнинг методологик муаммолари //Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 2021 й. 20-б.
6. М.Ражабова Ислом ҳуқуқи: жиноят ва жазо. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон халқаро ислом академияси. 2021 й. 182-б.
7. Ж.Тошқулов Исломда жиноят ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Тошкент ислом университети. Т., 2018. 33-б.
8. Ислом энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2017. 670-б.
9. Постановление Центрального Исполнительного Комитета Советов Узбекской Советской Социалистической Республики “О введении в действие Уголовного Кодекса Узбекской Советской Социалистической Республики. 16 июня 1926 года. г. Самарканд.
10. Уголовный Кодекс Узбекской Советской Социалистической Республики от 1926 года.
11. Уголовный Кодекс Узбекской Советской Социалистической Республики. С изменениями и дополнениями по 1 июля 1929 года.
12. Закон Республики Узбекистан от 21 мая 1959 г. «Об утверждении Уголовного кодекса Республики Узбекистан» (Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1959 г., № 6, ст. 2).
13. Ўзбекистон ССРнинг 1959 йил 21 майда қабул қилинган Жиноят кодекси.

14. Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси. 1962 йил 1 мартгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти. Тошкент – 1962. 74-б.

15. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган матни. <https://lex.uz/docs/111453?ONDATE=01.04.1995%2000#266984>

16. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 832-I-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/111453?ONDATE=15.01.2009%2000#edi1427054>

17. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг жиноят, жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 254-II-сон Қонуни <https://lex.uz/docs/87124?ONDATE=18.10.2001%2000#88072>

18. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январдаги “Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-199-сонли Қонуни <https://lex.uz/docs/1423622?ONDATE=15.01.2009%2000#1425947>